

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



“Кўкон” ЭИЗ директори

Ф.Рахмонов

2022 йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1. Танлов предмети: “Қўқон” ЭИЗ худудидан “Қақир” темир йўл бекатига масофанинг 2.0 (икки) километр темир йўл қисмини қурилиш билан боғлиқ смета ва ва лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.
- 1.2. Танловнинг юкори киймати ККС билан 215 000 000 сум. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.
- 1.3. ЭИЗ Низомига асосан - Зона худудида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарнинг юқларини темир йўл транспорти билан ташиш жараёнини ташкил этиш.
- 1.4. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблат ажратилганидан сунг шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% миқдорида аванс туловини утказиб беради.
- 1.5. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сунг авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун объектнинг умумий шартномавий кийматининг 70 (етмиш) фоизи доирасида амалга оширилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Қўқон” ЭИЗ Дирекцияси ” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили Фарғона вилояти Учкўприк тўмани Қўқонбой қишлоғи “Қўқон” ЭИЗ Дирекцияси.

Эл.адрес: qoqoneiz@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ХУКУКИЙ лаёқат ва ваколатлар;
- уз қучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар;
- Лицензия, гувоҳнома;
- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ҳодимлари);
- Танлов иштирокчисининг молиявий курсатгичлари, бухгалтерия баланс ҳужжатлари; салоҳияти (жумладан, туловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тугрисида маълумот;
- Танлов иштирокчисининг солиқ туловларидан булган қарздорлик маълумоти;
- Танловдаги объектга уқшаш объектларда охириги 2 йиллик иш тажрибаси;
- Оргтехника жиҳозлари ва дастурлар руйҳати;
- Қафолат хати (буюртмачига ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини курсатиб

тасдиқлаган холда).

Низом маблагги миқдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник кисмда, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;

- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби, якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир талаблар буйича уз таклифларини яхлит холда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини мухрлаб тасдиқланган холда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот

узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун - моҳиятини узгартирмаслиги керак.


7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.


7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.

Комиссия

1. Мирсолиев.С – раиси
2. Муродов.Б
3. Латипов.Р
4. Холиқулов.Б
5. Мирзамахмудов.Р
6. Тожиева.Х



Комиссия котиби:



М. Турғинова